

фиқ. Бунда ўрта ва узоқ муддатли сукуклар макроиктисодий нуқтаи назаридан самарадорлироқ ҳисобланади. Шу қунга қадар сукукни жорий қилмаган ёки ушбу молиявий воситадан кам фойдаланаётган мамлакатлар иқтисодиётига туртки бериш учун қулай имконият сифатида қараймиз.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш мумкинки, бошқа омилларни (*ceteris paribus*) ҳисобга олмаган ҳолда муомаладаги сукук ҳажми 1 фоизга ўсиши аҳоли жон бошига миллий даромад 0,18 фоизга ўсишига олиб келади.

### **Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Судин Хорун. Исломий молиялар ва банк тизими: фалсафаси, тамоийлари ва амалиёти. – Қозон: ЛиновА-Медиа, 2012. – 536 б.
2. <https://telegra.ph/SAJJID-IBRO%D2%82IM-VARDA-09> – интернет маълумотлари. (@quranuz\_kanaliSeptember 09, 2020).
3. Bekkin R. The Islamic Studies Department of Petrograd State University (One Little Known Page of A.É.Schmidt's Biography). // Manuscripta Orientalia. Vol. 20. No. 1. June 2014. P. 59-67.
4. Воҳидов Р. "Мажсолисун-нафоис"нинг таржималари. / Масъул муҳаррир: Б.Валихўжаев. – Т.: Фан, 1984.
5. Sudin Haron, Nursofiza Wan Azmi (Wan) McGraw Hill, 2009. Banks and banking. – 536 pages.
6. Мокина Л.С. Исламское финансирование в России и в мире: проблемы и перспективы. // Вестник Прикамского социального института.
7. <https://www.econbiz.de/Record/islamic-bonds-your-guide-to-structuring-issuing-and-investing-in-sukuk-adam-nathif/10004163657> - сайт маълумотлари.
8. Sukuk report: A comprehensive study of the global sukuk market. International Islamic Financial Market, July 2019, 8th edition. – 184 p.
9. Islamic Finance Development Report 2019: Shifting Dynamics. The Islamic Corporation for the Development of the Private Sector and Refinitiv. – 102 p.
10. Malaysian ICM bulletin ва Жаҳон банки маълумотлари асосида тайёрланган.
11. Smaoui H., & Nechi S. Does sukuk market development spur economic growth? Research in International Business and Finance, 2017, 41, pp. 136-147.
12. Сукук. Шариатский стандарт № 17. / Пер. с англ. [Ред. совет: Р.Р.Вахитов и др.]; Орг. бух. учета и аудита исламских фин. учреждений (AAOIFI). – М.: Исламская книга, 2010. – 40 с.
13. Echchabi A., Abd.aziz H., Idriss U., 2016. Does sukuk financing promote economic growth? An emphasis on the major issuing countries. Turk. J. Islam. Econ. 2016, 3, pp. 63-73.
14. "Eviews" дастури ёрдамида муаллиф томонидан тайёрланган.



### **МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТЛАР МОЛИЯВИЙ МУСТАҚИЛЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ УСЛУБИЙ ЖИҲАТЛАРИ**

**Усмонов Парвиз Шавкатович -**  
Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти  
мустақил тадқиқотчиси

**Аннотация.** Мазкур мақола маҳаллий бюджетлар молиявий мустақиллигини таъминлашнинг услюбий жиҳатларига бағишинган бўлиб, унда маҳаллий бюджетларнинг иқтисодиётда тутган ўрни ва олдида турган вазифаларидан келиб чиқиб уларнинг даромадларини янада ошириш, харажатларини амалга оширишда молиявий мустақиллигини таъминлаш борасидаги ишлар ҳолати таҳлил қилинган. Мақоланинг сўнггида маҳаллий бюджетлар молиявий мустақиллигини таъминлашнинг услюбий жиҳатларини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар шакллантирилган.

**Калим сўзлар:** маҳаллий бюджет, молиявий мустақиллик, даромад, харажат, солиқ,

### **МЕТОДОЛОГИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ ОБЕСПЕЧЕНИЯ ФИНАНСОВОЙ НЕЗАВИСИМОСТИ МЕСТНЫХ БЮДЖЕТОВ**

**Усмонов Парвиз Шавкатович -**  
Соискатель Самаркандинский  
институт экономики и сервиса

**Аннотация.** Данная статья посвящена методологическим аспектам обеспечения финансовой самостоятельности местных бюджетов, а также анализу состояния дел местных бюджетов в целях дальнейшего увеличения их доходов и обеспечения их финансовой независимости при осуществлении своих расходов исходя из роли местные бюджеты в экономике и их задачи. В конце статьи сформулированы предложения и рекомендации по совершенствованию методических аспектов обеспечения финансовой независимости местных бюджетов.

**Ключевые слова:** местный бюджет, финансовая независимость, доход, расход, налог.

## METHODOLOGICAL ASPECTS OF ENSURING THE FINANCIAL INDEPENDENCE OF LOCAL BUDGETS

*Usmonov Parviz Shavkatovich -*

*independent researcher*

*Samarkand Institute of Economics and Service*

**Abstract.** This article is devoted to the methodological aspects of ensuring the financial independence of local budgets, as well as the analysis of the state of affairs of local budgets in order to further increase their income and ensure their financial independence in the implementation of their expenditures based on the role of local budgets in the economy and their tasks. At the end of the article, proposals and recommendations for improving the methodological aspects of ensuring the financial independence of local budgets are formulated.

**Keywords:** local budget, financial independence, income, expense, tax.

**Кириш.** Давлат маҳаллий бюджетлар орқали худудларда фаол иқтисодий сиёсатни олиб боради. Ушбу бюджетлар иқтисодиёт соҳа ва тармоқларини ривожлантириш, табиат муҳофазасини таъминлашни назарда тутади. Давлат функция ва вазифаларини маблағ билан таъминлаш мақсадида олиб бориладиган фискал сиёсат маҳсулот ишлаб чиқариш(хизмат кўрсатиш, иш бажариш)ни амалга оширувчи хўжалик юритувчи субъектлар – солиқ тўловчилар фаолиятини рағбатлантириши, мотивациялаши зарур. Маълумки, юридик ва жисмоний шахслар, тадбиркорлик субъектлари муайян фаолият натижасида эгаллаб турган ер ва мулкининг реализациясидан олган фойдаси ёки даромадига солиқ солинади. Даромад ва фойданинг манбалари иқтисодий жиҳатдан хилма-хил бўлиб, фойда, капитал, меҳнат, ер ва мулқдан олиниши мумкин.

Маҳаллий бюджет барча мамлакатлarda маҳаллий солиқлар ва йиғимлардан ташкил топади. Аммо у умумдавлат иқтисодий ва ижтимоий вазифаларини амалга оширишда, биринчи навбатда, ижтимоий инфратузилмани сақлаш ва ривожлантиришга сарфланади. Маҳаллий бюджетлар хукуматнинг иқтисодий-ижтимоий сиёсатини амалга оширишда катта мавқега эга. Масалан, у маҳаллий молия органларининг бюджет ижросидан манфаатдорлигини оширишга ва шунинг асосида бюджет харажатларининг тўғри ва оқилона тарзда сарфланишига ҳамда бюджет тушумларининг янги манбаларини қидириб топишини рағбатлантиришни таъминлашга қаратилиши мақсадга мувофиқ.

**Адабиётлар таҳлили.** Маҳаллий бюджет даромадлари, солиқларнинг маҳаллий бюджетлар молиявий мустақиллигини таъминлашдаги ўрни борасида қатор илмий изланишлар олиб борилган. Жумладан:

Маҳаллий иқтисодчи олим Ш.Тошматов маҳаллий бюджетга солиқ тушумларини оширишга йўналтирилган бир қатор тадбирларни келтириб, унда солиқларни турли даражадаги бюджетлар ўргасида тақсимлаш тизимини маҳаллий ҳокимиятларнинг солиқ тушумларини максималлаштиришдан манфаатдорлигини

таъминлаш контекстида такомиллаштириш бўйича фикр-мулоҳазаларни бериб ўтади [1].

Х.Қобулов фикрига кўра, «маҳаллий бюджетларнинг молиявий имкониятлари тавсифланганда, даромадлар базаси билан чекланиб қолмасликни, балки уни ўсиб бораётган мажбуриятлар суръатларига мувофиқ тарзда давлатнинг қўшимча тадбирлари тизимидағи аниқ чоралар билан ҳам мувофиқлаштириш лозим» [2]. Яъни «маҳаллий бюджетлар молиявий имконияти унинг харажатлари динамикасидаги ўсиш суръатларига, шунингдек, жаҳон андозаларига мос тарзда шаклланган бюджет меъёrlарининг бажарилишини таъминлашга имкон берувчи даромад базасидир» деб қайд этиб ўтади.

Маҳаллий иқтисодчи олим А.Исламқуловнинг илмий изланишларида маҳаллий бюджетлар молиявий мустақиллиги борасида аниқ таҳлиллар келтирилган бўлиб, диссертация авторефератида «маҳаллий бюджетларнинг молиявий мустақиллиги аниқ параметрлар асосида талқин қилиниб, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан солиқ солинадиган база билан бирга, солиқ ставкаларини ҳам ўрнатишида мустақилликка эга бўлишини, лекин марказий давлат ҳокимияти органлари умумий назоратни олиб бориши зарурлиги» қайд этилган[3].

А.Маманазаров фикрича, «маҳаллий бюджетлар молиявий имкониятларини ошириш учун маҳаллий аҳамиятга эга бўлган ва бюджет тушумлари ҳисобидан қоплашга асосланган қимматли қоғозларни чиқариш, маҳаллий ҳокимиятларга қарз мажбуриятларини жалб қилининг қонуний асосларини яратиш» [4] мақсадга мувофиқ.

Қ.Усмонов бюджет даромадларини режалаштиришнинг аҳамияти тўғрисида тўхталиб, ҳозирги кунда бюджет даромадларини режалаштириш учун зарур маълумотлар базасини етарли ва сифатли даражада шакллантириш ҳамда бу борадаги хукуқий ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш ва бюджет даромадларини режалаштириш жараёни тартиби, усули, муддати ҳамда иштирокчилар вазифаларини аниқ кўрсатиб берувчи хукуқий ҳужжат қабул қилиш лозимлигини илгари суради [5]. Айрим иқтисодчи-

лар фикрига кўра, маҳаллий бюджетларнинг даромад базасини мустаҳкамлашнинг муҳим йўларидан бири маъмурий ҳудудларнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш даражасига қарб реал тарзда табақалаштириш имконини берадиган объектив мезонлар тизимиға ўтиш ҳисобланади [6].

Бир қатор хорижлик олимларнинг таъкидлашича, ривожланётган мамлакатларда маҳаллий бошқарув органлари маҳаллий бюджетларнинг даромадлари бир хиллиги сақланган ҳолда, шаҳарларни қайта қуриш ва уларни кенгайтириш билан боғлиқ масалаларнинг кўпайиши муаммоларига кўп дуч келади [7]. Бу масалалар маҳаллий бюджетларнинг молиявий мустақиллигини ошириш заруратини келтириб чиқради.

Яна бир қатор хорижлик олимлар даромад, қарз ва хизмат кўрсатиш даражаси маҳаллий ҳокимият органлари молиявий фаолиятига таъсир кўрсатганлигини асослаб беришди [8]. Шунингдек, маҳаллий бюджетлар жамият юқори сифатли хизматларни қабул қилиши бўйича шарт-шароитларни яратиш вазифаси борлиги ҳам таъкидланади [9].

**Тадқиқот методологияси.** Мазкур мақолада иқтисодий таҳлилнинг анализ ва синтез, индуksия ва дедукция, таққослама каби анъанавий усусларидан фойдаланилди. Хорижий ва мамлакатимиз олимлари ва тадқиқотчиларининг маҳаллий бюджетлар молиявий мустақиллигини таъминлаш муносабатларига доир илмий-амалий қарашлари таҳлил қилинди ва натижалари асосида хуносалар шакллантирилган.

**Таҳлил ва натижалар.** Ўзбекистонда маҳаллий бюджет даромадлари ва харажатларини мувофиқлаштириш “Инсон қадри учун” тамойилини амалга оширишда республика ва унинг ҳудудларининг ривожланишида муҳим аҳамият касб этади. Бюджетни номарказлаштириш бошқарув тизими таркибини ўзгартириш ва ушбу жараёнларда маҳаллий бошқарув органларининг ролини ошириб боришни талаб этади.

Маҳаллий бюджетнинг яхлитлилиги туфайли республика ўз тасарруфига пул ресурсларининг ягона марказлаштирилган жамғармасини олади, уни бюджет тизимининг фақат бирор-бир бўғинига тақдим этиш мумкин эмас.

Маҳаллий бюджетлар тизими маҳаллий эҳтиёжларни тўлароқ ҳисобга олиш ва уларни давлат марказлаштирилган тартибда амалга оширадиган чора-тадбирлар билан тўғри мувофиқлаштириш имконини беради.

Шунинг учун маҳаллий ҳокимият органлари маҳаллий бюджетга даромадлар келиб туриши ва ресурслардан мақсадли фойдаланишдан манфаатдор, чунки жойларда иқтисодиёт ва маданиятнинг ўсиш суръатлари маҳаллий захираларни сафарбар этиш, маблағларни режали

сафлашга доир ишларни ташкил этишга бевосита боғлиқ бўлиб, бу эса ўз навбатида, Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджетини муваффақиятли бажаришга имкон яратади.

Маҳаллий бюджет харажатларини даромадларига мос баланслаштириш, молиявий харажатларни ташкил қилиш учун хизмат қиласи. Бу эса давлат молиявий сиёсатининг бош мақсадидир. Албатта, ушбу ишларни амалга ошириш, асосан, маҳаллий бюджетлар маблағлари ҳисобига амалга оширилади.

Ҳудудларнинг ижтимоий-иктисодий дастурларини молиялаштириш борасида илмий изланишлар олиб бориша, мазкур молиялаштириш асосий манбаи бўлган давлат бюджети ҳақида фикр юритиш мақсадга мувофиқ. Давлат бюджети ва бюджет муносабатларининг асосий хукуқий асосларидан бири Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳисобланади. Конституциянинг 122-моддасига мувофиқ, “Ўзбекистоннинг Давлат бюджети Республика бюджетидан, Қорақалпоғистон Республикаси бюджетидан ва маҳаллий бюджетлардан иборат” [10], шунингдек, 100-моддасига кўра, “Маҳаллий ҳокимият органлари ихтиёрига ҳудудларни иқтисодий, ижтимоий ва маданий ривожлантириш; маҳаллий бюджетни шакллантириш ва уни ижро этиш, маҳаллий солиқлар, йигимларни белгилаш, бюджетдан ташқари жамғармаларни ҳосил қилиш берилган” [10].

Республикада бюджет муносабатларини тартиба солувчи Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси амал қилиб, “ушбу Кодекс Ўзбекистон Республикасининг бюджет тизими бюджетларини шакллантириш, тузиш, кўриб чиқиш, қабул қилиш, тасдиқлаш, ижро этиш, давлат томонидан маблағ жалб қилиш ва бюджет тўғрисидаги қонунчилик ижросини назорат қилиш соҳасидаги муносабатларни тартиба солади. Шунингдек, республика ва маҳаллий (вилоят, туман (шаҳар)) бюджетлар даромад манбалари ҳамда харажат йўналишлари белгилаб берилган” [11].

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси мавжуд ресурсларни сафарбар этиш бўйича кунлик мониторинг олиб борилишини ҳисобга олган ҳолда, Давлат бюджети даромадлари параметрларининг бажарилишига, шунингдек, давлат мақсадли дастурларини барқарор молиялаштиришнинг муҳим омили сифатида маҳаллий бюджетларнинг даромадлар базасини кенгайтиришга йўналтирилган чора-тадбирлар амалга оширилишини таъминлаши белгилаб берилган.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, вилоятлар, туманлар (шаҳарлар) ҳокимларининг биринчи ўринbosарлари давлат солиқ хизмати, молия органлари ва бошқа тегишли маҳаллий органлар ҳамда тижо-

рат банклари билан биргаликда ҳар бир туман, шаҳарнинг салоҳиятидан келиб чиқсан ҳолда қўшимча манбаларни излаш ва шу асосда маҳаллий бюджет даромадлари базасини кенгайтириш йўли билан давлат бюджети даромадлари параметрларини сўзсиз бажариш бўйича фаолият мувофиқлаштирилган ҳолда амалга оширишини таъминлайди.

2019 йилдан “маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг масъулияти ва манфаатдорлигини кучайтириш, уларнинг даромадлар бўйича ваколатлари ва харажатлар бўйича мажбуриятларини ошириш мақсадида:

жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солик, жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи, жисмоний шахсларнинг мол-мулкни ижарага беришдан олган даромадларидан олинадиган солик, якка тартибдаги тадбиркорлар учун қатъий белгиланган солик, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солик (электр станцияларидан ташқари), ягона ер солиғи, айrim турдаги товарлар билан чакана савдо қилиш хуқуқи ва айrim турдаги хизматларни кўрсатиш учун йифимлар, бозорлардан тушадиган даромадлар, айrim норуда қурилиш материаллари бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун солик тушумлари, қонунбузарликларнинг айrim турлари учун жарималар туманлар ва шаҳарлар бюджетларига;

Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети, вилоятлар вилоят бюджетлари ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджети билан туманлар ва шаҳарлар бюджетлари ўртасида тақсимлаган ҳолда юридик шахслардан олинадиган ер солиғи, юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солик, ягона солик тўловидан ажратмалар, алкоголь маҳсулотлари, пиво, бензин, дизель ёқилғиси ва газнинг чакана реализациясига акциз солиғи Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларига ўтказилиши;

қўшилган қиймат солиғи тушумларининг бир қисми (товарларни импорт қилишда олинадигани бундан мустасно), жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи (мол-мулкни ижарага беришдан олган даромадларидан олинадиган солик бундан мустасно), юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи (Ўзбекистон Республикасида доимий муассаса орқали фаолият юритаётган Ўзбекистон Республикаси норезиденти томонидан тўла-надигани, шунингдек, норезидентнинг даромадларидан тўлов манбаида ушлаб қолинадигани бундан мустасно) Ўзбекистон Республикаси республика бюджети билан Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети, вилоятлар вилоят бюджетлари ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджети ўртасида тақсимланиши;

Ўзбекистон Республикаси республика бюджети билан Қорақалпоғистон Республикаси

республика бюджети, вилоятларнинг вилоят бюджетлари ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетлари ўртасида тақсимланадиган солиқлардан (ер қаъридан фойдаланганлик учун солик ва тамаки маҳсулотлари учун акциз солиги бундан мустасно) маҳаллий бюджетларга ажратмалар 50 фоиздан кам бўлган тақдирда, ушбу солиқлар бўйича даромадларнинг прогноздан ошириб бажарилишидан ҳосил бўлган маблағларнинг 50 фоизи маҳаллий бюджетларга қайталиши;

Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳри маҳаллий бюджетларининг даромадлари ва харажатлари ҳажмларини тасдиқлаш бўйича қарорлар қабул қилишда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ депутатлари Кенгашларига:

харажатларнинг етишмаётган суммасини алоҳида туманлар ва шаҳарлар бюджетларини режалаштиришда шаклланадиган ортиқча даромадларни Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджети, вилоятларнинг вилоят бюджетлари ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджети билан туманлар ва шаҳарлар бюджетлари ўртасида қайта тақсимлаш ҳисобидан қоплаш;

қўшилган қиймат солиғи (импорт қилинадиган товарларга қўшилган қиймат солиғи бундан мустасно), жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи (мол-мулкни ижарага беришдан олган даромадларидан олинадиган солик бундан мустасно), юридик шахслардан олинадиган фойда солиғининг бир қисмини тегишли худудларда қолаётган даромадлар доирасида йўналтириш;

даромадлар прогнозининг ошириб бажарилган маблағлардан бир қисмини худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини амалга ошириш учун тегишли туманлар ва шаҳарлар бюджетларига ўтказиш бўйича ваколатлар берилди” [12].

Республикада 2020-2024 йилларда давлат молиясини бошқариш тизимини такомилластириш стратегиясининг асосий йўналишлари белгилаб олинди. Жумладан:

«бюджет-солик сиёсатига стратегик ёндашувни татбиқ этиш мақсадида ўрта муддатли бюджетни ишлаб чиқиш ҳамда йиллик бюджетнинг «натижага йўналтирилган бюджет» тизимини жорий этиш;

макрофискал прогнозлар ишончлилигини таъминлаш бўйича институционал салоҳиятни ва бюджет жараёни иштирокчиларининг масъулиягини ошириш;

бюджет маблағларини тақсимловчилар ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг бюджет соҳасидаги ваколатларини ва ҳисобдорлигини ошириш ҳамда уларнинг масъулиятини кучайтириш;

фискал таваккалчиликларни баҳолаш, молиявий активлар ва мажбуриятлар ҳисобини юритиш ҳамда уларни самарали бошқариш тизимини жорий этиш;

бюджет ҳисоби стандартларини унификация қилиш, ички назорат ва аудит тизимини такомиллаштириш орқали молиявий интизомни мустаҳкамлаш;

бюджет маълумотларининг очиқлиги, тўлиқлиги ва халқаро стандартларга мослигини таъминлаш;

бюджет жараёни устидан парламент ва жамоатчилик назоратини кучайтириш» [13].

Алоҳида қайд этиш ўринлики, сўнгги йиллардаги ислоҳотларда бюджетни номарказлаштириш, маҳаллий бюджетлар барқарорлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан: «Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетига тушадиган айrim солиқлар ва бошқа даромадлар Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетига, вилоятларнинг вилоят бюджетларига, Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетига қонунчилиқда белгилangan миқдорларда ва тартибда тақсимланиши мумкин. Солиқлар ва бошқа даромадлар белгилangan нормативларга мувофиқ Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджети, вилоятларнинг вилоят бюджетлари, Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджети ҳамда туманлар ва шаҳарлар бюджетлари ўртасида қайта тақсимланиши мумкин»лиги белгилаб қўйилди [14].

Мамлакатда маҳаллий бюджетларнинг молиявий барқарорлигини, молиявий мустақиллигини ошириш борасидаги чора-тадбирлар изчиллик билан амалга оширилди. Хусусан, 2021 йилдан бошлаб «айrim солиқ турлари бўйича даромадлар прогнозининг ошириб бажарилган қисми тўлиқ ҳажмда Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети, вилоятлар вилоят бюджети ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетида қолдирилди:

1. Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи.

2. Кўшилган қиймат солиғи (йирик солиқ тўловчилар томонидан тўланадиган кўшилган қиймат солиғидан ташқари).

3. Фойда солиғи (йирик солиқ тўловчилар, Ўзбекистон Республикасида доимий фаолият олиб борувчи муассаса орқали фаолият юритувчи Ўзбекистон Республикаси норезидентлари томонидан, шунингдек, норезидентларнинг тўлов манбаида ушлаб қолинадиган даромадларидан тўланадиган фойда солиғидан ташқари)»[15].

Ўзбекистонни янада ривожлантириш бўйича 2017-2021 йилларга мўлжаллаб қабул қилинган Ҳаракатлар стратегиясида белгилangan, маҳаллий бюджетларнинг юқори турувчи бюджетга қарамлигини пасайтириш мақсадида яна

бир муҳим механизм белгиландики, унга мувофиқ «тартибга соловчи бюджетлараро трансферлар миқдорини Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджети ва вилоятларнинг вилоят бюджетлари даромадлари прогнозининг ижросидан қатъий назар, камайтиришга йўл қўйилмайди» [16].

Фикримизча, маҳаллий бюджетлар молиявий барқарорлигини таъминлаш мақсадида маҳаллий бюджетларга бериладиган молиявий ёрдамлар эмас, асосий солиқ турлари йиғилувчалиги даражасини ошириш муҳим саналади. Бунда, айниқса, харидорлар фаол иштироки, фуқаролар назорати муҳим саналади.

Республикада «жисмоний шахсларга улар томонидан чакана савдо, умумий овқатланиш ва майший хизмат кўрсатиш обьектларида амалга оширилган харид суммасининг 1 фоизи миқдоридаги тўловлар республика бюджети даромадлари қисмида кўшилган қиймат солиғини қайтариш» йўлга қўйилди.

Мамлакатда бюджетни номарказлаштириш борасида ислоҳотлар давом эттирилди. Хусусан, «2022 йилда Ўзбекистон Республикасининг бюджет тизими барқарорлигини таъминлашда бюджет тизими бюджетларининг олти ойлик ижроси якунлари бўйича даромад прогнозлари бажарилмаган ва жорий молия йилининг охиригача уларнинг келиб тушиши учун етарли асослар мавжуд бўлмаган ҳолларда:

республика бюджети умумий харажатларининг 3 фоизи ва ундан ортиқ фоизи миқдоридаги харажатларни қисқартириш Вазирлар Маҳкамасининг таклифига кўра Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари томонидан;

республика бюджети умумий харажатларининг 3 фоизидан кам миқдоридаги харажатларни қисқартириш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг таклифига кўра Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида амалга оширилади» [17].

**Холоса ва таклифлар.** Тадқиқот давомида амалга оширилган илмий изланишлар натижасида қўйидаги холосалар шакллантирилди:

биринчидан, маҳаллий бюджетларни муайян худудда давлат функция ва вазифаларининг маблағ билан таъминланишига хизмат қилувчи марказлаштирилган пул жамғармаси сифатида англаш жуда муҳим ҳисобланади. Бунинг учун жойларда аҳоли ўртасида ушбу маблағлардан фойдаланиш бўйича кўникмаларни шакллантириш зарур;

иккинчидан, маҳаллий бюджетларнинг молиявий мустақиллиги янги илмий тадқиқот йўналиши бўлиб. хориж ва маҳаллий иқтисодчи олимлар томонидан етарли даражада тадқиқ қилинмаган;

учинчидан, маҳаллий бюджетларнинг молиявий барқарорлиги ва маҳаллий бюджетлар

молиявий мустақиллиги борасида турли хил чалкаш ёндашувлар мавжуд бўлиб, молиявий мустақиллик кўпроқ маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг маҳаллий бюджетларни шакллантириш ва ишлатилиши жараёнида мустақил қарорлар қабул қилиш жараёни ҳисобланади;

тўртингчидан, Ўзбекистонда сўнгги йилларда бюджет соҳасида, бюджет тизимини ислоҳ қилиш соҳасида қабул қилинган меъёрий-

хукуқий ҳужжатлар бюджетни номарказлаштиришга дастлабки уринишлар тарзида баҳоланиши мақсадга мувофиқ;

бешинчидан, худудларнинг молиявий мустақиллиги уларга тақдим этилган ваколатлар билангина чегараланмасдан, тақдим этилган даромад ва харажатлар ваколатларидан фойдаланиш, уни амалга оширишнинг аниқ механизми ишлаб чиқилиши мақсадга мувофиқ.

### **Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Тошматов Ш.А. Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришда давлат бюджети даромадлари манбаларини кенгайтиши ўйналишлари. // Ўзбекистонда молия секторини ривожлантиришининг устувор ўйналишлари. Республика илмий-амалий анжумани материаллари тўплами. 2017 йил 10 ноябрь. – Т.: ТДИУ, 2017. 27-28-б.
2. Қобулов Ҳ.А. Ҳудудий иқтисодиёт ва маҳаллий бюджетлар имкониятларини ошириш ўйналишлари. И.ф.н. автореферат. – Т.: БМА, 2011. – 22 б.
3. Исламкулов А.Х. Бюджетлараро мутаносибликни таъминлашда солиқлар тизимини тақомиллаштириши. Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати. – Т., 2020. – 76 б.
4. Маманазаров А.Б. Маҳаллий бюджет ва солиқ. Монография. – Т., 2004. 79-80-б.
5. Усмонов Қ.А. Бюджет даромадларини режалаштириш жараёни, усуllibарни уларни тақомиллаштириши ўйналишлари. // "Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар" илмий-электрон журнали. 4-сон, июль-август, 2014 йил.
6. Зайнутдинова У.Д. Ҳудудлар маҳаллий бюджет даромадларини ошириш масалалари. // Ўзбекистон иқтисодиёти рақобатбардошлигини оширишга банк-молия тизимининг самарали таъсирини кучайтириш. Халқаро илмий-амалий конференция тезислари тўплами. – Т.: Молия, 2017. 90-б.
7. Dallery B., et al. Municipal budgeting and accounting. Local public, fiscal and financial governance: An international perspective (2020): 91-121.
8. Navarro-Galera A., et al. Measuring the financial sustainability and its influential factors in local governments. Applied Economics 48.41 (2016): 3961-3975.
9. Lhufi I. & Harpa S. Financial Sustainability of Local Governments in Indonesia. Jurnal ASET (Akuntansi Riset) 14.1 (2022): 159-170.
10. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2019. 37-б.
11. Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 26 декабрдаги ЎРҚ-360-сонли қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодекси. <https://lex.uz/acts/2304138>
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги ПҚ-4086-сонли "Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари ҳамда 2020-2021 йилларга бюджет мўлжаллари тўғрисида"ги қарори. <https://lex.uz/docs/4517077>
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 декабрдаги ПҚ-4555-сонли «Ўзбекистон Республикасининг «2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети тўғрисида»ги қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори. <https://lex.uz/docs/4673445>
14. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-660-сонли «Бюджет жараёни тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонуни. <https://lex.uz/docs/5797762>
15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 декабрдаги ПҚ-4938-сонли «Ўзбекистон Республикасининг «2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети тўғрисида»ги қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори. <https://lex.uz/docs/5193227>
16. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-657-сонли «2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети тўғрисида»ги қонуни. <https://lex.uz/docs/5186044>
17. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-742-сонли «2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети тўғрисида»ги қонуни. <https://lex.uz/docs/5801127>.



### **БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТЛАРИ МОЛИЯЛАШТИРИШ МАНБАЛАРИНИНГ ШАКЛЛАНИШ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ТАФОУТЛАР**

**Абдурахманов Каҳрамон Абдумажитович -**  
Тошкент давлат иқтисодиёт университети  
хузуридаги «Ўзбекистон иқтисодиётини  
ривожлантиришининг илмий асослари ва  
муаммолари» илмий-тадқиқот маркази

**Аннотация.** Мақолада бюджет ташкилотлари молиялаштириш манбаларининг шаклланиш хусусиятлари ва тафовутлари бўйича тадқиқот олиб борилган. Бюджет ташкилотлари молиялаштиришининг турли манбаларига таянади. Молиялаштириш манбаларининг аралашмаси ташкилотнинг миссияси, ҳажми ва молиялаштириш талабларига қараб бирмунча фарқ қилиши мумкин. Мақолада ушбу масалалар бўйича тадқиқот олиб борилди, иқтисодчи олимларнинг тадқиқотлари ўрганилган ҳамда холоса шакллантирилган.

**Калим сўзлар:** бюджет, бюджет ташкилот, давлат идоралари, молиялаштириш, давлат ажратмалари, грантлар ва хайриялар, хизматлар учун тўловлар.